


6-20-2019

THE PRESERVATION OF SEMANTIC VARIETY IN THE PROSE EXPOSITION

Ozoda Tojiboyeva PhD

Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Tojiboyeva, Ozoda PhD (2019) "THE PRESERVATION OF SEMANTIC VARIETY IN THE PROSE EXPOSITION," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 25.

DOI: 10.36078/987654343

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss2/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Озода Тожибоева

Филология фанлари бўйича фалсафа (PhD)
доктори, Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

НАСРИЙ БАЁНДА СЕМАНТИК БЎЁҚДОРЛИКНИНГ САҚЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Алишер Навоийнинг “Сабаи сайёр” достони ва унинг ўзбек адабиётидаги илк насрий баёни – “Насри Хамсаи беназир” асари қиёсий таҳлил этилган. Достондаги етти қаср, етти ранг каби семантик бўёқдорликни таъминлаган унсурларнинг насрий баёнда тикланиши каби масалаларга эътибор қаратилган. Рангларнинг ҳикоятлар мазмунига сингиб бориши ва насрий баёнда улардаги маънодорлик қатламининг сақланиши қиёсий ўрганилиб, ҳар икки матннинг ўзига хосликлари аниқланган. Достон бобларининг кетма-кетлик тартиби, композицион ўрнига кўра матнда англаган маъноси катта аҳамият касб этади. Шунга кўра қисмнинг бутунликдаги ўрни, асар моҳиятини очишдаги вазифаси каби масалалар адабиётшуносликнинг диққат марказида туради. Достон ва унинг насрий баёнидаги маънонинг сақланиши семантик-структурал таҳлил орқали қиёсланган. Насрий баёнларнинг Навоий ижодини англаштишдаги роли асосланган.

Калит сўзлар: достон, назм, наср, насрий баён, ранг, етти рақами, давр, китобхон.

Ozoda Tojiboyeva

PhD, Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy

THE PRESERVATION OF SEMANTIC VARIETY IN THE PROSE EXPOSITION

ABSTRACT

The article deals with a comparative analysis of Alisher Navoi's novel the “Sabai Sayyor” and his first prosaic narrative in the Uzbek literature “Nasri Xamsai benazir”. It focuses on the issues as the restoration of the elements supporting the semantic colorfulness such as seven novels, seven colors. The comparative analysis of the preservation of the meaningful layer in the prose indicates the peculiarities of both texts. The sequence order of chapters of the poem is of great importance in the context of the meaning according to compositional layout. Since the role of part in the discovery of the essence of the work is in the focus of literary criticism on the basis of the poem and its prose version have been compared semantic-structural analysis. The role of prosaic statements in understanding Navoi's work has been demonstrated.

Key words: epic, poetry, prose, prose version, color, the numeral seven, period, reader.

КИРИШ

Алишер Навоий лирикасида қўлланилган бадий-тасвирий воситалар шоир ижодининг ўзига хос ва бетакрорлигини намоён этади. Ўзаро шакл ва мазмун ҳамоҳанглигини ҳосил қилувчи лафзий ва маънавий санъатлар қаторида ранг ва рақам рамзларининг ҳам матнда бажарадиган айрича вазифаси, ўзига хос ўрни бор. Шоир ижодида оламдаги турфа ранглارнинг бадий сўздаги маъно кенгликлари янада кенгайиб, тусланиб борадики, уларда инсон руҳияти турфа ранг қирралари билан намоён бўлади. Бу маъно кенгликларида ҳаётнинг сиру асрорлари, гўзалликлари бирин-кетин бўй кўрсатади. Умрни фаслларга қиёслаган, фасллар рангини ясашда эса табиатнинг ўзидан андоза олган шоир табиат рангларини инсон қалбига кўчириб ўтади. Ранглар замирига шоир инсон қалбининг турфа қирраларини сингдиради. “Хамса” дostonларида қўлланилган бадий бўёқдорлик қатламининг маъно қатламлари шоирнинг бадий маҳоратидан завқланиш, тахайюл ва тафаккур кенгликларидан ҳайратланиш хиссини уйғотади.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари асрлар давомида аслиятдан ўқилган ва таҳлил қилинган бўлса, XX асрдан эътиборан насрий баёнлардан мутолаа қилина бошланди. Китобхоннинг Навоий асарларига бўлган эҳтиёжини насрий баёнлар қондирар экан, иккиламчи матндан ҳам аслиятнинг аслий хусусиятларини, етакчи ғояларини сақлаш талаб этилади. Шу маънода Навоий ижодини кенг халқ оmmasига етказиш вазифасини бажараётган насрий баёнларда маъно қатламининг сақланишини текшириш шоир ижодий ғоясининг китобхонга қай даражада етиб боришини текширишга зарурат туғдиради. Дostonлар сирасида мураккаб композицион қурилиши, шакл ва мазмун уйғунлиги жипислигида ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ҳикоятлардан иборат “Сабъаи сайёр” дostonида семантик бўёқдорлик бошқа дostonларга нисбатан ажралиб туради. Назмининг гўзаллиги насрда бой берилиши маълум. Шейрий асарнинг ўзига хос имкониятларини ифода этувчи бадий санъатларга нисбатан ранг ва рақам рамзларини насрий баёнларда сақлаш нисбатан қулай. Улар матнда ўз ўрнида қайта тикланади.

Ўзбек адабиётидаги илк насрий баён “Насри Хамсаи беназир” ўз вақтида китобхон эҳтиёжини қондириб, дostonларнинг халқ орасида ёйилишига катта ҳисса қўшган эди. Бошқа дostonларга нисбатан бадий бўёқдорлик ёркинроқ акс этган “Сабъаи сайёр” дostonининг илк насрий баёни “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром”да ҳам аслиятдан фарқланувчи бир қанча жиҳатлар дostonга қиёсан текширишни тақозо этади [Насри Хамсаи беназир, 1908; 8].

УСУЛЛАР

Семантик бўёқдорликни текшириш учун шоир ижодий ниятини ўзида ифода этган, бадий маҳоратининг юксак маҳсули бўлган “Хамса” дostonларининг ҳар бири йирик тадқиқот объекти бўла олади. Бешликдаги дostonлар-

нинг маъно юкига кўра жойлашиш ўрни яхлит тарзда, дostonлар ва бобларнинг мазмунига кўра семантик-структурал ўрни ва вазифаси тадқиқотларда турли даражада таҳлилга тортилган. Шоирнинг ижодий ғоясини ўзида ифода этган кетма-кетлик, кириш ва муқаддима бобларнинг вазифаси ҳам ёритилган. Уларни таҳлил қилиш орқали асарнинг маъно кўламдорлигини очиб боришга интилганлар. Ранг ва рақам рамзларининг маъно қатлами, уларнинг дostonда бажарадиган вазифаси турли даражада таҳлил қилинган. Хусусан, Навоий лирикасидаги ранг символикаси бўйича махсус тадқиқот олиб борган С.Ўтанова [Ўтанова С; 2007], рақам рамзлари бўйича изланишлар олиб борган С.Жумаеванинг [Жумаева С; 2010] тадқиқотларида айна масала атрофлича ўрганилган. Мазкур тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, мақола доирасидаги кузатишлар икки манба – аслият ва насрий баён ўртасида амалга оширилмоқда. Шу сабабли натижа ва хулосалар матний-қиёсий таҳлиллар орқали чиқарилади.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Дostonда муқаддима ва хотима боблар, асосий мазмун ёритилган боблар ва ҳикоятлар изчил маъно кетма-кетлигида жойлаштирилган. Бош қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ равишда етти ҳикоят мазмуни узвийликда бир-бирини тўлдиради. “Сабаъи сайёр”да “ранглар гармонияси Баҳром, Дилором ва етти ҳикояга кирган образларни яратишда муҳим бадиий воситалардан бири вазифасини бажарган ва асар мазмунини чуқурроқ ифодалаш учун хизмат қилган” [Ҳасанов С; 1993, 82]. Етти қаср тасвири ва етти ҳикоятга ёйилган ранг билан боғлиқ бўёқдорлик ҳикоятлар семантикасини бойитиб, ўз ўрнида бош қаҳрамон ҳаётига дахлдорлик касб этади. Насрий баёнда ранглар гармониясининг сақланишини текширишда ушбу маънони берувчи ҳикоятлардан олдин келувчи бобларнинг ўз ўрнида тикланиши ва сақланиши эътиборни тортади. Қасрлар ранги ва шунга монанд тасвирлар, Баҳромнинг руҳий ҳолати ва ҳикоят эшитишни бошлагани ҳақидаги боб насрий баёнда ўзгаришга учраган. Дostonдаги қасрлар тасвири, Баҳромнинг руҳияти ва ҳикоят эшитган бобларини Навоийнинг кўзлаган муддаоси, асар структурасидаги маънодорлик кўлами бўйича тушунсак, насрий баёнда бобларнинг ўзгаришга учраганини алоҳида талкин қилишга тўғри келади.

Ҳар бир ҳикоятдан олдин келувчи мазкур бобларнинг ҳажми кичик, вазифаси эса жуда катта. Асар структурасида юзага чиқиб борувчи етти рангдаги етти қаср, етти ҳикоятга ўтиш йўли айна шу бобдан бошланиб, бош мавзу билан ҳикоятлар мазкур боб орқали ўзаро боғланади. Китобхон ҳам қасрлар рангини айнан шу бобдан англайди. Бобда ўз маъносида қўлланган ранглар ҳикоятлар мазмунидаги тасвирларга, ҳолат-ҳаракатларга сингиб, ёйилиб боради. Насрий баёнда асардаги ўша таркиб ўзгарган. Баҳромнинг руҳий ҳолати, қасрлар тасвирдан иборат байтлардан камроқ олиниб, рангни билдирувчи қисқа жумла билан чекланилган ва ҳикоятларга қўшиб юборилган, эътибор ҳикоятларга қаратилган. Қасрлар тасвири бу ўринда ҳикоятга қисқача дебеча вазифасини бажаради.

Қора қасрдаги, зарбафт рангли қасрдаги, сабза рангли, сандал рангли, оқ рангли қасрларда рангни англаувчи асосий кўрсаткичлар сақланган. Жумладан,

гулгун рангли қаср таърифланган XXVI боб 17 байтдан иборат бўлиб, мисралардаги “анжум шароридин гулрез”, “Абри шингарфгун била хинно”, “гулгун рахт”, “гулгун уй ичра гулгун тахт”, “Қасри гулгун”, “бодаи гулранг”, “Сарви гулчехр”, “бодаи гулфом”, “чехрасин қилиб гул-гул”, “меҳри гулрухсор”, “Шаҳ кўзи бодадин қизориб эди” каби ифодалар кетма-кетликда қаср рангини ва қасрлардаги Баҳромнинг руҳий ҳолатини англагади ҳамда олдинда кутилаётган ҳикоят мазмуни қандай бўлишини белгилаб беради. Бу ўринда ношир қисқартиришларга йўл қўйса-да, мазкур бобнинг асардаги ўрни ва вазифасига ҳам алоҳида аҳамият берган. Сарлавҳадаги ранглар ўз ўрнида берилган, боб ичида ҳам гул ўзакли сўзлар сараланиб, аслиятдаги каби қолдирилган: “*Сешанба куни шох Баҳром гулранг либослар кийиб, гулгун отга миниб, гунбази гулнорийда бодаи гулранг ичгали равона бўлди. Маликаи гулрангпўш истиқболига чиқти. Гулранг ўрдага кириб, гулранг тахт узасида ўлтурдилар, бодаи гулфом ичиштилари*” [Насри Хамсаи беназир; 1908, 91].

Мазкур бобда таърифланган “*Тахти гулранг уза тутиб ором, /Жоми лаъл ичра бодаи гулфом*” каби мисраларнинг улашадиган бадий-эстетик таъсири насрий баёнда камайган бўлса-да, ноширнинг бобдаги гул рангини англаувчи бўёқдор сўзларни сақлаб қолгани ҳам мақсадга мувофиқ. Ҳикоятлар мазмунига ўтилгандан сўнг ранг билан боғлиқ тушунчалар асар руҳи билан боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ўз ўрнида сақланган. Бобнинг тўлиқ сақланиши асардаги ранг билан уйғун мазмунни китобхонга етказишда катта аҳамиятга эга.

Алишер Навоийнинг шеърӣ услубига хос хусусиятлардан бири айнан мазкур дostonда яққол намоён бўлган. Шоир етти қасрдаги етти рангни кўриниб турган асл ҳолатида эмас, ўша рангни янада таъсирчанроқ тасаввур қилишга хизмат қиладиган табиатдаги бошқа жисмлар орқали ифода этади. Жумладан, қизил ранг гул сўзи орқали ясалиб, гул ўзакли сўзлар кўплаб шу рангга ишора қилувчи ҳолатларни ҳосил қилган:

*Ҳар сори гул узори гулгун пўш,
Жоми гулранг айлар эрди нўш.
Юзи гул-гул бўлуб нишот ангез,
Шохнинг хорхорин алаб тез* [Навоий; 1960, 553].

Байтда гул юзли (юзи қизил гулдек чиройли), гулгун кўйлак кийган қизлар (қизил кўйлак), гул рангли май (қизил узум суви), майдан юзнинг гул-гул очи-лиши (қизариши) каби тушунчалар қизил рангни англашиб, ҳикоят асосидаги ранг билан узвий боғланиб боради. Мазкур мисралар насрий баёнда қуйидагича ифода этилган: “*Ҳар тараф гул узору гулгунпўшлар жоми гулрангда май ичар эрдилар. Юзлари гул-гул очилур эрди*” [Насри Хамсаи беназир; 1908, 92].

Насрий баён муаллифи ҳикоят замиридаги ишорани – кўзга кўринмас торлар билан юзадаги мазмунга боғланиб чиқувчи ички боғлиқликини ҳис қилган. Бошқа ўринларда қисқартиришларга йўл қўйса-да, бу каби муҳим ўринларни алоҳида диққат марказида ушлаган ва уларни ҳар сафар юзага чиқаришга, ўз ўрнида сақлашга ҳаракат қилган.

Ҳикоят мазмунга монанд равишда золимлар қонларидан ернинг гул рангга

кириши ва эзгуликнинг ғалабаси билан якун топади:

*Қасри гулранг аро бўлуб гулнош,
Майи гулфом бирла эрди маош.
Бўйла ҳолатда ҳукм тенги судур,
Ким тоғиб қатл Маллуву Жайпур.
Бўлди ер қонлари бирла гулфом,
Кўрки гул фаслидур не хуш айём* [Навоий А; 1960, 562].

Насрий баёнда: *Гулранг ўрда ичди май ичар эрди. Ушбу вақтда фармонладики, Жайпур ва Маллуни ўлдурдилар, қонлари бирла ерни гулгун қилдилар* [Насри Хамсаи беназир; 1908, 97] .

Байтларнинг насрий баёнидан маълум бўладики, айрим сўзлар баёндан тушиб қолган, бироқ етакчи маънони берувчи ўринлар қолдирилган. Достонда ушбу мисралардан сўнг яна икки байт баёнда акс этмаган. Жумладан, байтлардан бири “*Хушдурур боғи коинот гули, / Барчадин яхшидур ҳаёт гули*” мисралари бобнинг, наинки, достоннинг бутунликдаги мазмунида алоҳида ўринга эга. Достондаги матн бўйича ҳикоят яхшиликнинг ғалабаси ва кутилаётган фараҳбахш кунлар – гул фасли бўлган баҳорнинг ташриф буюраётгани билан хотима топади. Натижада, ибратли хулоса ҳам, воқеага ечим ҳам китобхонга маълум бўлади. Насрий баёнда ушбу ўринларнинг қисқартирилиши бўйича талқин қилинса, яхшиликнинг ғалабаси билан тугайди ва лирик хотима насрга олинмайди. Бу ўринда баён муаллифининг лирик хотимани ташлаб кетишини унинг баён учун танлаган иш услубига кўра иш юртиган дея тўғри қабул қилишимиз лозим бўлади.

Юқоридаги бобда гул ранги ҳикоят асосини ташкил этган бўлса, кейинги бобда нилуфар ранги – мовий ранг етакчилик қилади ва тасвирлар ҳам нилуфар сўздан ясалади. Ҳикоятдан олдин келувчи XXVIII бобда “Кўк фазоси”, “Нилуфаргун либос”, “жоми фируза”, “кўк атласи”, жоми нилуфарий”, “гунбази гардун”, “ложувардини шабагун”, “Нил ичинда заврақи меҳр” каби ифодадалар қасрнинг рангига монанд берилган. Насрий баёнда *Чаҳоршанба кунни шоҳ Баҳром нилуфар ранг либослар кийиб, гунбази нилуфарийга бориб, фируза жомда май ичгани, бешинчи иқлимдин келтурган мусофир афсона айтгани* сарлавҳаси билан бошланиб, бобдаги рангларда қисқа таъриф билан чекланилган. Бу ўринда воқеани баён этаётган муаллиф ҳикоят асосини ташкил этувчи рангларни қисқароқ саралаб бериш билан чекланган ва эътиборини ҳикоят мазмунига қаратган.

Ҳикоятда нилуфар рангига монанд воқеалар сувда, яъни, кўк рангли майдонда бўлиб ўтади. Мувофиқ равишда жисм-ашёлар, тасвирлар ҳам шу рангга ишора қилади. Кўк рангни англатувчи нилуфар сўзи ушбу бобда ўн етти маротаба қўлланган бўлса, насрий баёнда саккиз маротаба қўлланган. Насрий баёнда сўзнинг камайишига сабаб шуки, нилуфар сўзи англатаётган кўк ранг айрим ўринларда ўзининг ифодавий шаклидан аниқ шаклига кўчган, ўз ҳолида қўлланган. Жумладан, қуйидаги ўринда Меҳрнинг ташвишли ҳолати ўзига хос йўсинда ифода этилган:

Юзига бас тапонча ургонидин,

Нилуфарлар очиб гулистонидин [Навоий; 1960, 571].

Юзиға шапалоқ урганидан кўк рангга кириши ошиқнинг ҳолатини кучлироқ намоён этмоқда. Нилуфар кўк рангли гул, гулистон бу гўзалнинг юзи, кизил рангли юзда нилуфар гулидек кўк ранглар пайдо бўлди (яъни, юзга шапалоқ урилганда тананинг кўкариши). Насрий баёнда: *Юзига тапонча уруб, гулдек юзини нилуфардек кўкартирур эрди*, – дея ифода этилган. Мисрадаги “*Нилуфарлар очиб гулистонидин*” жумласи ташиётган бўёқдорлик киши тасаввурида кизил гулзор, ўртасидаги кўк рангли нилуфар гулини гавдалантиради ва бу ташхис инсонга нисбатан қўлланаётгани сабаб шоирнинг хаёлот олаmidан, бадий маҳоратидан ҳайрат ва завқланиш ҳиссини юктиради. Насрий баёнда гул сўзи ҳам, нилуфар сўзи ҳам сақланиб, маъно остидаги кўк ранг ҳам юзага қалқиб чиққан. Боб семантикасида нилуфар гули боб асосидаги кўк ранг билан боғлиқ бўлиб, нилуфар гули денгизда ўсувчи гул, денгиз мовий, яъни кўк рангда. Мисрадаги нилуфар гули ҳолатни тасвирлашда қўлланиб, асар асосидаги ранг билан боғланган.

“Асарда “етти йўловчи ва уларнинг етти ҳикояси, етти иқлим, етти гўзал, етти шоҳ, етти қаср, етти ранг, етти кун, етти фалак, етти сайёра ва ҳоказоларга нисбатан тўқсон марта” ишлатилган етти рақами насрий баён матнида ҳам сақланган [Ҳасанов С; 1993, 78]. Жумладан, XIX бобда етти ўрда қуриб тамомланиши, Моний ва наққошлар томонидан ишлов берилиши, етти шоҳнинг етти кизи қасрларга олиб келиниши айтилади. Еттиликка қурилган асос шу бобдан аниқ бўй кўрсатган. Боб давомида рақам 12 маротаба қўлланган. Айнан шу бобнинг насрий баёнида эса ошириброк 15 маротаба қўлланиши кузатилади. Баён муаллифи бутун асарнинг моҳиятида ётувчи етти рақамининг вазифасини бобдан бобга, байтдан байтга ўтиш давомида эътибордан қочирмаган. Айнан айтиб ўтилмаган ўринларда ҳам ишорани юзага чиқариб кетган. Шу ўринда баёндаги санокнинг кўпайиш ҳолатига эътибор берамиз:

Чун муҳандислар эҳтимом этти,

Ҳар бир ўз қасрини тамом этти [Навоий ; 1960, 507].

Насрий баёнда ушбу байт қуйидагича берилади: “*Алқисса, етти иқлимдаги комил, мукаммал бўлгон устодлар етти ўрда бино қилдилар*” [Насри Хамсаи бенназир; 1908, 74].

Мисрада табиий равишда етти устанинг етти қасри ҳақида сўз бормоқда. Баён муаллифи бу ўринда уларни аниқ ифода этиш билан мазмунни юзага чиқаради. Жумладан, қуйидаги байтларда ҳам етти қасрнинг етти рангда безатилиши ҳақида сўз бормоқда:

Ҳам бу янглиг чу ўтти оз фурсат,

Қасрлар топти зеб ила зийнат.

Ҳар бирин ўзга навъ этти ранг,

Бўлди ул етти қаср етти ранг [Навоий; 1960, 508].

Насрий баёнда: “*Токи етти ўрда ажойиб ва гаройиб зебу зийнат бирла ясалиб тамом бўлди. Етти ўрда етти рангда бўлди*” [Насри Хамсаи бенназир; 1908, 75].

Баёндаги *етти ўрда ажойиб ва гаройиб зебу зийнат бирла ясаиб* жумла-сидаги рақам аслиятда *қасрлар, ҳар бири сўзлари орқали берилган*. Баён муаллифи бу ўринда ишора билан эмас, аниқ санок билан бериб ўтишни лозим топган. Китобхонни кўзлаб иш юритган муаллиф ишораларни юзага чиқарган, ҳаракат-ҳолатларнинг эгасини аниқлаштириш йўлидан борган.

Яна боблар давомийлигида ҳикоятлар мазмунига ёйилиб борган етти рақами ҳам ўз ўрнида сақланган. Жумладан, Жайпурнинг фитнаси билан Масъуднинг ёлғон ўлимига доир “*Етти ошин бериб такаллуф ила, / Уйига борди кўп таассуф ила*” мисраси насрий баёнда “*Етти ошини кўб таклифлар била бериб, дариглар деб, ўз уйларига ёндилар*” тарзида ҳикоятлар ичида ҳам сақланиши кузатилади.

Достонда етти рақамидан бошқа тўрт, саккиз рақамлари ҳам тез-тез қўлланган:

Ҳам секиз бурж даврида пайваст,

Тўрти онинг баланду тўрти наст.

Пастида тўрт тўтийи моънус,

Бийики узра тўрт ўлуб товус.

Даврида дурру лаъл пийроя,

Зинасида доғи секиз поя [Навоий; 1960, 526].

Насрий баёнда: *Саккиз буржини тўрти баланд, тўрти наст эрди. Юқоридаги тўрт поясида тўрт товус, наст тарафидаги тўрт поясида тўрт тўти, атрофида лаъл, жавоҳирлар ўлтурғузуб эрди* [Насри Хамсаи беназир; 1908, 82].

Байтдаги санок баёнда янада аниқлашган. Демак, бу ўринда баён ифода услубидаги аниқлик, раванлик китобхон учун қулайлик яратиш, асарни тез ва осон англатиш мақсадида бажарилган. Баён муаллифи достон мазмунидаги ўзига хос маъно юкига эга бўлган ранглар, рақамларни сақлашга, имкон қадар китобхонга эслатиб, англатиб боришга ҳаракат қилган.

ХУЛОСА

Боблар бўйича қиёсларда насрий баён муаллифининг энг диққатга сазовор ўринларни сақлаб қолгани аён бўлади. У бутун асарни кўз олдида жонлантиргани, асарнинг руҳини, етакчи ғоясини берадиган ўринларни танлаш режасини пухта ишлаб чиққани кўриниб турибди. Бу даврда аслиятдан ўқиш имконияти кенг бўлгани учун оммабоп ҳолатга келтириш пайдидан бўлгани аниқ. Ўз даврида шоир ижодини кенг халқ орасида оммалаштиришга хизмат қилган, китобхонни асар ичига олиб кирган мазкур насрий баён айна дамда навоийшунослик тарихидаги қимматли манбадир. Қиёсий таҳлиллар ҳар бир давр матнга ўз даврига хос хусусиятларни сингдиргани, баён муаллифлари эса давр талабларига бўйсунгани, кўрсатади. Шу маънода насрий баён муаллифи асарнинг етакчи ғояларини сақлаб қолгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Alisher Navoiy. Xamsa. Nashrga tayyorlovchi Porso Shamsiyev. – Toshkent: O‘zR FA nashriyoti, 1960. – 854 b.
2. Alisher Navoiy. Sab‘ai sayyor. (Nasriy bayoni bilan) T.: Nashriyot–matbaa birlashmasi, 1991. –544 b.
3. Alisher Navoiy. Layli va Majnun. Sab‘ai sayyor. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot–matbaa ijodiy uyi, 2012. – 696 b.
4. Jabborov Sh. Germenevtika – tushuntirish ilmi. – Toshkent: Akademiya, 2010. –152 b.
5. Jumayeva S. O‘zbek mumtoz she‘riyatida raqam ramzlari va ularning ma‘no talqini. – Toshkent: Fan, 2010. – 124 b.
6. Ishoqov Yo. So‘z san‘ati so‘zligi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2014. –320 b.
7. Komilov N. Xizr chashmasi. – Toshkent: Ma‘naviyat, 2005. – 320 b.
8. Muhiddinov M. Nurli qalblar gulshani. – Toshkent: Fan, 2007. –168 b.
9. Nasri Xamsai benazir. Nasriy bayon muallifi va noshir Mir Maxdum ibn Shohyunus (Nashrga tayyorlovchi O.Tojiboyeva). – Toshkent: Tamaddun, 2019. b. –221 b.
10. Erkinov A. Alisher Navoiy “Xamsa”si talqini manbalari (XV–XX asr boshi). – Toshkent: Tamaddun, 2018. –304 b.
11. O‘tanova S. Alisher Navoiy g‘azaliyotida rang simbolikasi. Fil. fan. nomz... diss. – Toshkent, 2007.
12. Hasanov S. Navoiyning yetti tuhfasi. – Toshkent: Adabiyot va san‘at, 1991. –192 b.
13. Hasanov S. “Sab‘ai sayyor” badiiyatiga doir / Alisher Navoiyning adabiy mahorati masalalari. Maqolalar to‘plami. – Toshkent: Fan, 1993. – B. 67–85.
14. Qayumov A. Asarlar. I jild. №1. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2008. –288 b.
15. Qayumov A. Asarlar. I jild. №2. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2008. –400 b.
16. Qayumov A. Asarlar. III jild. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2009. –384 b.
17. Qayumov A. Asarlar. IV jild. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2009. –368 b.
18. Quronbekov A. Alisher Navoiyning “Xamsa” dostonlarida ramz va timsollar. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. 228 b.
19. Qissai haft manzari Bahrom. – Toshkent: Orifjonov matbaasi, 1908. O‘zR FA ShI. Inv № 4723/1. – 88 b.

REFERENCES

20. Alisher Navoiy. KXamsa. – Tashkent: Fan, 1960. – C. 854.
21. Alisher Navoiy. Seven planet. – Tashkent, 1991. – C. 544.
22. Alisher Navoiy. Leyli and Medjnun. Seven planet. – Tashkent, 2012. – C. 696.
23. Jabborov Sh. Germenevtika – realize of knowledge. – Tashkent: Academia, 2010. – C. 152.
24. Jumaeva S. Numeric symbols and their interpretation in classical Uzbek poetry. – Tashkent: Fan, 2010. – C. 124.
25. Ishoqov Yo. Word art dictionary – Tashkent: O‘zbekiston, 2014. – C. 320.
26. Komilov N. Xizr chashmasi. – Tashkent: Ma‘naviyat, 2005. – C. 320.
27. Muhiddinov M. Well of Kxizr. – Tashkent: Fan, 2007. – C. 168.
28. Nasri Xamsai benazir. Auther and publisher Mir Makxdum ibn Shokhyunus – Tashkent: Tamaddun, 2019. – C. 221.
29. Erkinov A. The sources of interpretation of Alisher Navoi’s “KXamsa”. – Tashkent: Tamaddun, 2018. – C. 304.
30. O‘tanova S. Colorful symbolism in Alisher Navoi’s gazal. Diss. doc. of fil. – Tashkent, 2007.
31. Hasanov S. Seven tips of Navoi. – Tashkent: Literature and art, 1991. – C. 192.
32. Hasanov S. About literatury of “Seven planet”. – Tashkent: Fan, 1993. – C. 67–85.
33. Qayumov A. Work. I. №1. – Tashkent: Mumtoz so‘z, 2008. – C. 288.
34. Qayumov A. Work. I. №2. – Tashkent: Mumtoz so‘z, 2008. – C. 400.
35. Qayumov A. Work. III. – Tashkent: Mumtoz so‘z, 2009. – C. 384.
36. Qayumov A. Work. IV. – Tashkent: Mumtoz so‘z, 2009. – C. 368.
37. Quronbekov A. In “Khamasa”’s poems of Navoi symbols and models. – Tashkent, 2015. – C. 228.